

ТАРМОҚ БОЗОРЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА
МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ




ТОВАР ВА МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ ДАЙЖЕСТИ

2025 йил январь-октябрь

ТОВАР ВА МАҲСУЛОТЛАР


АРМАТУРА

(минг т)




ЦЕМЕНТ

(минг т)




БУҒДОЙ

(ун ишлаб чиқариш) (минг т)




ДИЗЕЛЬ ЁҶИЛҒИСИ

(минг т)




БЕНЗИН

(минг т)



ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР


(дона)



БОЗОРИНИНГ КОНЪЮКТУРАСИ


ГУРУЧ

(минг т)




ШАКАР

(ОҚ) (минг т)




ЎСИМЛИК ЁҒИ

(минг т)




СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ

(минг т)



ТИЖОРAT ТЕХНИКАЛАРИ

(Махсус автотранспорт) (дона)



АСОСИЙ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ ҚИСҚА ШАРҲИ

Қурилиш арматураси. Тошкент шаҳар қурилиш материаллари бозорларида қурилиш арматураси ўртача нархи октябрь ойида **1 тонна** учун **8 694 минг сўми** ташкил қилиб, сентябрь ойига нисбатан **10 фоизга** (974 минг сўм/т), йил бошига нисбатан 8 фоизга (758 минг сўм/т) [камайган](#).

Қурилиш арматураси истеъмоли 2025 йил октябрь ойида **92 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил сентябрь ойига нисбатан **18 фоизга** (21 т) [камайган](#).

Истеъмолнинг **30 фоизи** (28 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **70 фоизи** (64 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Октябрь ойида **28 минг тонна** қурилиш арматураси ишлаб чиқарилиб, сентябрь ойига нисбатан **3 фоизга** (900 т) [камайган](#).

Қурилиш арматураси импорти октябрь ойида 64 минг тоннани (37 млн долл.) ташкил қилиб, сентябрь ойига нисбатан **20 фоизга** (16 минг т) [камайган](#).

Импортнинг **90 фоизи** Қозоғистон (42 % ёки 27,1 минг т), Эрон (30 % ёки 19,7 минг т), ва Россия (18 % ёки 12,0 минг т) давлатларига тўғри келган.

Ўз навбатида, сентябрь-октябрь ойларида экспорт амалга оширилмаган.

Гуруч. Тошкент шаҳар дехқон бозорларида гуруч ўртача нархи октябрь ойида **1 тонна** учун **19 007 минг сўми** ташкил қилиб, сентябрь ойига нисбатан **3,5 фоизга** (693 минг сўм/т), йил бошига нисбатан **5 фоизга** (993 минг сўм/т) [камайган](#).

Гуруч истеъмоли 2025 йил октябрь ойида **23 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил сентябрь ойига нисбатан **7 фоизга** (1,7 минг т) [камайган](#).

Истеъмолнинг **92 фоизи** (22 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **8 фоизи** (2 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Октябрь ойида **22 минг тонна** гуруч ишлаб чиқарилиб, сентябрь ойига (22,1 минг т) нисбатан [ўзгармаган](#).

Гуруч импорти октябрь ойида **2 минг тоннани** (465 минг долл.) ташкил қилиб, сентябрь ойига нисбатан **98 фоиз** га (79 т) [камайган](#).

Импортнинг **95 фоизи** ёки **1,8 минг тонна**си Қозоғистон давлатига тўғри келган.

Ўз навбатида, октябрь ойида **1,4 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, сентябрь ойига нисбатан **3 бар** га (1 минг т) [ошган](#).

Шакар. Товар хом ашё биржасида шакар ўртача нархи октябрь ойида **1 тонна** учун **12 837 минг сўми** ташкил қилиб, сентябрь ойига нисбатан **0,2 фоизга** (26 минг сўм/т) нисбатан камайган, йил бошига нисбатан **5 фоизга** (571 минг сўм/т) [ошган](#).

Шакар истеъмоли 2025 йил октябрь ойида **110 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил сентябрь ойига нисбатан **4 бар** га (285 минг т) [камайган](#).

Истеъмолнинг **20 фоизи** (23 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **80 фоизи** (88 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Октябрь ойида **23 минг тонна** шакар ишлаб чиқарилиб, сентябрь ойига нисбатан **61 фоизга** (9 минг т) [ошган](#).

Октябрь ойида **88 минг тонна** (50 млн долл.) шакар импорт қилиниб, сентябрь ойига нисбатан **2 фоиз** га (2 минг т) [камайган](#).

Импорт **91 фоизи** Россия (78 % ёки 62,5 минг т) ва Қозоғистон (13 % ёки 10,2 минг т) давлатлари ҳиссасига тўғри келган.

Ўз навбатида, сентябрь-октябрь ойларида шакар экспорти амалга оширилмаган.

Цемент. Товар хом ашё биржасида цемент ўртача нархи октябрь ойида **1 тонна** учун **630 минг сўми** ташкил қилиб, сентябрь ойига нисбатан **4 фоизга** (26 минг сўм/т), йил бошига нисбатан **30 фоизга** (146 минг сўм/т) [ошган](#).

Цемент истеъмоли 2025 йил октябрь ойида **1 073 минг тоннани** ташкил этиб, 2025 йил сентябрь ойига нисбатан **60,1 фоизга** (1 614 минг т) [камайган](#).

Истеъмолнинг **99,5 фоизи** (1 258 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **0,5 фоизи** (5,3 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Октябрь ойида **1 258 минг тонна** цемент ишлаб чиқарилиб, сентябрь ойига нисбатан **56 фоизга** (1 600 минг т) [камайган](#).

Цемент импорти октябрь ойида **5,3 минг тоннани** (645 минг долл.) ташкил қилиб, сентябрь ойига нисбатан **31 фоизга** (2,4 минг т) [камайган](#).

Импортнинг **87 фоизи** ёки **5 минг тонна**си Эрон давлатига тўғри келган.

Ўз навбатида, октябр ойида **190 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, сентябрь ойига нисбатан 6 фоизга (12 минг т) [ошган](#).

Бензин. Товар хом ашё биржасида АИ-92 бензин ўртача нархи октябрь ойида **1 тонна** учун **12 607 минг сўми** ташкил қилиб, сентябрь ойига нисбатан **1 фоизга** (133 минг сўм/т), камайган, йил бошига нисбатан **2 фоизга** (222 минг сўм/т) [ошган](#).

Бензин (АИ-80, АИ-92, АИ-95) истеъмоли 2025 йил октябрь ойида **132,2 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил сентябрь ойига нисбатан **30 фоизга** (56 минг т) [камайган](#).

Истеъмолнинг **31 фоизи** (89 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **69 фоизи** (91 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Октябрь ойида **89 минг тонна** бензин ишлаб чиқарилиб, сентябрь ойига нисбатан **21 фоизга** (23 минг т) [камайган](#).

Бензин импорти октябрь ойида **91,3 минг тоннани** (83 млн долл.) ташкил қилиб, сентябрь ойига нисбатан **2 фоизга** (1,5 минг т) [ошган](#).

Импортнинг **93 фоизи** Россия (82 % ёки 64 минг т) ва БАА (11 % ёки 8 минг т) давлатларига тўғри келган.

Ўз навбатида, октябр ойида **48 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, сентябрь ойига нисбатан **2 бар.** га (24 минг т) [ошган](#).

Ўсимлик ёғи. Товар хом ашё биржасида ўсимлик ёғи ўртача нархи октябрь ойида **1 тонна** учун **21 500 минг сўми** ташкил қилиб, сентябрь ойига нисбатан (21 500 минг сўм/т) ўзгармаган, йил бошига нисбатан **25 фоизга** (4 347 минг сўм/т) [ошган](#).

Ўсимлик ёғи истеъмоли 2025 йил октябрь ойида **49 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил сентябрь ойига нисбатан **41 фоизга** (34 минг т) [ошган](#).

Истеъмолнинг **56 фоизи** (28 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **44 фоизи** (22 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Октябрь ойида **28,2 минг тонна** ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилиб, сентябрь ойига нисбатан **41 фоизга** (20 минг т) [камайган](#).

Ўсимлик ёғи импорти октябрь ойида **22 минг тонна** (22 млн долл.), сентябрь ойига нисбатан **73 фоизга** (60 минг т) [камайган](#).

Импортнинг **100 фоиз** Қозоғистон (86,2 % ёки 19 минг т) ва Россия (14 % ёки 4,4 минг т) давлатларига тўғри келган.

Ўз навбатида, октябр ойида **1 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, сентябрь ойига нисбатан **71 фоизга** (2,4 т) [камайган](#).

Дизель ёқилғиси. Товар хом ашё биржасида дизель ёқилғиси ўртача нархи октябрь ойида **1 тонна** учун **13 079 минг сўми** ташкил қилиб, сентябрь ойига нисбатан **0,4 фоизга** (51 минг сўм/т), йил бошига нисбатан **3 фоизга** (345 минг сўм/т) [ошган](#).

Дизель ёқилғиси истеъмоли 2025 йил октябрь ойида **115,4 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил сентябрь ойига нисбатан **2,2 фоиз** (3 минг т)га [ошган](#).

Истеъмолнинг **70 фоизи** (92,4 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **30 фоизи** (35 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Октябрь ойида **92,4 минг тонна** дизель ёқилғиси ишлаб чиқарилиб, сентябрь ойига нисбатан **11 фоизга** (9 минг т) [ошган](#).

Дизель ёқилғиси импорти октябрь ойида **35 минг тоннани** (28 млн долл.) ташкил қилиб, сентябрь ойига нисбатан **57 фоиз** (46 минг т) [ошган](#).

Импортнинг **98 фоизи** ёки **34 минг тонна** Россия давлатига тўғри келган.

Ўз навбатида, октябрь ойида **12 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, сентябрь ойига нисбатан **7 бар.** (11 минг т) [ошган](#).

Суюлтирилган газ. Товар хом ашё биржасида суюлтирилган газ ўртача нархи октябрь ойида **1 тонна** учун **7 360 минг сўмни** ташкил қилиб, сентябрь ойига нисбатан **9,6 фоизга** (647 минг сўм/т), йил бошига нисбатан **10 фоизга** (663 минг сўм/т) [ошган](#).

Суюлтирилган газ истеъмоли 2025 йил октябрь ойида **88 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил сентябрь ойига нисбатан **7 фоизга** (6 минг т) [ошган](#).

Истеъмолнинг **76 фоизи** (67 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **24 фоизи** (21 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Октябрь ойида **67 минг тонна** суюлтирилган газ ишлаб чиқарилиб, сентябрь ойига нисбатан **7 фоизга** (5 минг т) [камайган](#).

Суюлтирилган газ импорти октябрь ойида **21 минг тонна** (9 млн долл.), сентябрь ойига нисбатан **74 фоизга** (60 минг т) [камайган](#).

Импорт **98 фоизи** Россия (92 % ёки 19,4 минг т) ва Қозоғистон (6 % ёки 1,3 минг т) давлатлари ҳиссасига тўғри келган.

Ўз навбатида, сентябрь-октябрь ойларида экспорт амалга оширилмаган.

Бугдой. Товар хом ашё биржасида бугдой ўртача нархи октябрь ойида **1 тонна** учун **3 020 минг сўмни** ташкил қилиб, сентябрь ойига нисбатан **13,3 фоизга** (355 минг сўм/т), йил бошига нисбатан **24 фоизга** (591 минг сўм/т) [ошган](#).

Бугдой истеъмоли 2025 йил октябрь ойида **870 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил сентябрь ойига нисбатан **29 фоизга** (194 минг т) [ошган](#).

Истеъмолнинг **44 фоизи** (386 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **56 фоизи** (489 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Октябрь ойида **386 минг тонна** бугдой ишлаб чиқарилиб, сентябрь ойига нисбатан **ўзгармаган**.

Бугдой импорти октябрь ойида **489 минг тонна** (94 млн долл.), сентябрь ойига нисбатан **67 фоизга** (197 минг т) [ошган](#).

Импорт **100 фоиз** Қозоғистон давлати ҳиссасига тўғри келган.

Ўз навбатида, октябрь ойида **5,2 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, сентябрь ойига нисбатан **3 бар.** га (3,6 т) [ошган](#).

Енгил автомобиллар. Енгил автомобиллар истеъмоли 2025 йил октябрь ойида **46 476 донани** ташкил этиб, 2025 йил сентябрь ойига нисбатан **17 фоизга** (9 188 дона) [камайган](#).

Истеъмолнинг **80 фоизи** (37 391 дона) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **10 фоизи** (9 103 дона) импорт ҳисобига қопланган.

Октябрь ойида **37 391 дона** енгил автомобиллар ишлаб чиқарилиб, сентябрь ойига нисбатан **6 фоизга** (2 064 дона) [ошган](#).

Енгил автомобиллар импорти октябрь ойида **9 103 дона** (114 млн долл.) ташкил этиб, сентябрь ойига нисбатан **93,3 фоизга** (75 827 дона) [камайган](#).

Импортнинг **91 фоизи** Хитой давлатига тўғри келган.

Ўз навбатида, октябрь ойида **18 дона** автомобиль экспортга йўналтирилиб, сентябрь ойига нисбатан **64 фоизга** (7 дона) [ошган](#).

Тижорат техникалари. Тижорат техникалари истеъмоли 2025 йил октябрь ойида **497 донани** ташкил этиб, 2025 йил сентябрь ойига нисбатан **87 фоизга** (231 дона) [ошган](#).

Истеъмолнинг **88 фоизи** (441 дона) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **12 фоизи** (58 дона) импорт ҳисобига қопланган.

Октябрь ойида **441 дона** тижорат техникалари ишлаб чиқарилиб, сентябрь ойига нисбатан **137 фоиз** (255 дона) **ошган**.

Тижорат техникалари импорти октябрь ойида **58 дона** (5,8 млн долл.), сентябрь ойига нисбатан **28,4 фоизга** (23 дона) **камайган**.

Импорт **87 фоизи** Хитой (67 % ёки 46 минг т) ва Корея Республикаси (20 % ёки 14 минг т) давлатлари ҳиссасига тўғри келган.


Ўз навбатида, октябрь ойида **2 дона** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, сентябрь ойига нисбатан **1 бар.** га **ошган**.

ТОВАР ВА МАҲСУЛОТЛАР

БИРЖА НАРХЛАРИ


ТЕХНИК ОЛТИНГУГУРТ

(минг т)




РУХ

(минг т)




СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ

(минг т)




МИС

(минг т)




БЕНЗИН

(минг т) (Аи-92)




ДИЗЕЛЬ ЁҚИЛҒИСИ

(минг т)




ПВХ

(минг т)




ПОЛИПРОПИЛЕН

(минг т)




КАРБАМИД

(минг т)




АММИАКЛИ СЕЛИТРА

(минг т)




БУҒДОЙ

(ун ишлаб чиқариш) (минг т)



ПОЛИЭТИЛЕН

(минг т)




БОЗОРИНИНГ КОНЪЮКТУРАСИ

БОЗОР НАРХЛАРИ


АРМАТУРА

(минг т)




СУЛЬФАТ КИСЛОТАСИ

(минг т)




ЎСИМЛИК ЁҒИ

(минг т)




ГУРУЧ

(минг т)




ЦЕМЕНТ

(минг т)




ЛИСТЛИ ПРОКАТ

(минг т)




ҚУРИЛИШ ОЙНАСИ

(минг м²)




ШАКАР

(ОҚ) (минг т)




ИП КАЛАВА

(минг т)




ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР

(минг дона)



ТИЖОРАТ ТЕХНИКАЛАРИ

(Махсус автотранспорт) (дона)



АСОСИЙ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ ҚИСҚА ШАРҲИ

I. Ижобий кўрсаткичлар

Нарх-наво. 2024 йилда ўтган ҳисобот даврига нисбатан **23 турдаги** маҳсулотлардан **9 тасида**, 2025 йилнинг январь-октябрь ойларида эса 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **5 тасида** нархлар [пасайган](#).

Жумладан, 2024 йилда **9 турдаги** маҳсулотда, техник олтингугурт **31,7 фоиз** (108 минг сўм/т), қурилиш ойнаси **18,8 фоиз** (15 минг сўм/м²), цемент **11,8 фоиз** (104 минг сўм/т), буғдой (ун ишлаб чиқариш) **10,8 фоиз** (315 минг сўм/т), ўсимлик ёғи **5,2 фоиз** (1 минг сўм/т), полиэтилен **4,6 фоиз** (780 минг сўм/т), аммиакли селитра **4,1 фоиз** (117 минг сўм/т), ПВХ **3,1 фоиз** (356 минг сўм/т), полипропилен **1,8 фоиз** (300 минг сўм/т).

2025 йилнинг январь-октябрь ойларида **5 турдаги** маҳсулотда, асосан, Шакар **4 фоиз** (600 сўм/кг), қурилиш ойнаси **2 фоиз** (1000 сўм/м²), буғдой **1 фоиз** (200 сўм/кг), полиэтилен **0,5 фоиз** (67 минг сўм/т), суюлтирилган газ **0,3 фоиз** (16,3 минг сўм/т) нархлар [пасайган](#).

Ишлаб чиқариш. 2024 йилда **23 турдаги** маҳсулотлардан **13 тасида**, 2025 йилнинг январь-октябрь ойларида 2024 йил мос даврига нисбатан **12 тасида** ишлаб чиқариш ҳажми [ошган](#).

Жумладан, 2024 йилда **13 турдаги** маҳсулотда, асосан, тижорат техникалари **21 фоиз** (993 дона), гуруч **19 фоиз** (44 минг т), цемент **15 фоиз** (2,8 млн т), карбамид **11 фоиз** (108 минг т), пвх **7 фоиз** (3 минг т), сульфат кислотаси **7 фоиз** (106 минг т), ип калава **4 фоиз** (39 минг т), ўсимлик ёғи **3 фоиз** (9 минг т), листли прокат **2 фоиз** (3 минг т), буғдой **2 фоиз** (79 минг т), қурилиш ойнаси **2 фоиз** (0,8 млн м²), енгил автомобиль **1,6 фоиз** (7 минг дона), суюлтирилган газ **0,3 фоиз** (3 минг т).

2025 йилнинг январь-октябрь ойларида **12 турдаги** маҳсулотда, асосан, листли прокат **1 бар**. (111 минг т), цемент **80 фоиз** (8 594 минг т), тижорат техникалари **27 фоиз** (875 дона), қурилиш ойнаси **26 фоиз** (7,2 минг м²), сульфат кислотаси **23 фоиз** (320 минг т), енгил автомобиль **16 фоиз** (51 минг дона), ўсимлик ёғи **9 фоиз** (24 минг т), гуруч **8 фоиз** (16 минг т), буғдой **7 фоиз** (252 минг т), мис **5 фоиз** (6 минг т), карбамид **5 фоиз** (49 минг т), ип калава **2 фоиз** (12 минг т) ишлаб чиқариш ҳажми [ошган](#).

Экспорт. 2024 йилда 2023 йилга нисбатан **11 та**, 2025 йилнинг январь-октябрь ойларида 2024 йил мос даврига нисбатан **12 та** маҳсулотда экспорт [ошган](#).

Жумладан, 2024 йилда **11 та** маҳсулотда, асосан, цемент **57 бар**. (445 минг т), гуруч **1,8 бар**. (1,1 минг т), листли прокат **1,8 бар**. (71 минг т), қурилиш ойнаси **1,8 бар**. (1,7 млн м²), ўсимлик ёғи **1,6 бар**. (7,5 минг т), бензин **1,4 бар**. (155 минг т), полипропилен **1,4 бар**. (71 минг т), аммиакли селитра **38 фоиз** (93 минг т), карбамид **29 фоиз** (156 минг т), ип калава **9 фоиз** (38 минг т), Техник олтингугурт **2 фоиз** (2 минг т).

2025 йилнинг январь-октябрь ойларида **12 та** маҳсулот асосан, дизель ёқилғиси **50 бар**. (23 минг т), гуруч **11 бар**. (12 минг т), техник олтингугурт **4 бар**. (194 минг т), цемент **3 бар**. (915 минг т), буғдой **2 бар**. (17 минг т), ўсимлик ёғи **1,2 бар**. (16 минг т), аммиакли селитра **93 фоиз** (90 минг т), тижорат техникалари **90 фоиз** (9 дона), листли прокат **14 фоиз** (20 минг т), қурилиш ойнаси **14 фоиз** (425 минг м²), карбамид **10 фоиз** (24 минг т), бензин **8 фоиз** (19 минг т).

Импорт. 2024 йилда 2023 йилга нисбатан **11 та**, 2025 йилнинг январь-октябрь ойларида 2024 йил мос даврига нисбатан **4 тасида** импорт камайган. Шунингдек, мис маҳсулотни импорти тўхтаган.

Жумладан, 2024 йилда **11 та** маҳсулотда, асосан аммиакли селитра **2 бар.** (9 минг т), тижорат техникалари **1,8 бар.** (1 344 дона), гуруч **1,6 бар.** (70 минг т), цемент **1,5 бар.** (969 минг т), енгил автомобиллар **26 фоиз** (21 минг дона), пвх **25 фоиз**

(70 минг т), арматура **20 фоиз** (53 минг т), дизель ёқилғиси **20 фоиз** (29 минг т), полипропилен **16 фоиз** (24 минг т), буғдой **16 фоиз** (582 минг т), ўсимлик ёғи **4 фоиз** (11 минг т). 2025 йилнинг январь-октябрь ойларида **4 та** маҳсулотда, асосан, цемент **87 фоиз** (599 минг т), гуруч **65 фоиз** (23 минг т), рух **61 фоиз** (400 т), шакар **11 фоиз** (73 минг т) импорти камайган. Шунингдек, мис импорти **тўхтаган**.

II. Салбий кўрсаткичлар

Нарх-наво. 2024 йилда ўтган ҳисобот даврига нисбатан **23 турдаги** маҳсулотлардан **11 тасида**, 2025 йилнинг январь-октябрь ойларида эса 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **15 тасида** нархлар **ошган**.

Жумладан, 2024 йилда **11 турдаги** маҳсулотлар, асосан, сульфат кислотаси **22 фоиз** (187 минг сўм/т), суюлтирилган газ **19 фоиз** (1 млн сўм/т), мис **17 фоиз** (18,5 млн сўм/т), дизель ёқилғиси **16 фоиз** (1,8 млн сўм/т), рух **14 фоиз** (4,6 млн сўм/т), карбамид **12 фоиз** (406 минг сўм/т), гуруч **11 фоиз** (2 минг сўм/т), арматура **7 фоиз** (600 минг сўм/т), шакар **5 фоиз** (0,7 минг сўм/т), листли прокат **2,3 фоиз** (257 минг сўм/т), бензин **0,3 фоиз** (36 минг сўм/т).

2025 йилнинг январь-октябрь ойларида **15 та** маҳсулотда, асосан, техник олтингугурт **3 бар.** (612 минг сўм/т), ўсимлик ёғи **88 фоиз** (10 минг сўм/кг), сульфат кислотаси **10 фоиз** (123 минг сўм/т), цемент **9 фоиз** (47 минг сўм/т), рух **7 фоиз** (2 427 минг сўм/т), листли прокат **7 фоиз** (587 минг сўм/т), мис **7 фоиз** (8 183 минг сўм/т), бензин **7 фоиз** (772 минг сўм/т), ПВХ **4 фоиз** (422 минг сўм/т), аммиакли селитра **3 фоиз** (74 минг сўм/т), карбамид **2 фоиз** (72 минг сўм/т), полипропилен **2 фоиз** (253 минг сўм/т), арматура **1 фоиз** (105 минг сўм/т), дизель ёқилғиси **1 фоиз** (101 минг сўм/т), гуруч **0,5 фоиз** (100 сўм/кг).

Ишлаб чиқариш. 2024 йилда **23 турдаги** маҳсулотлардан **10 тасида**, 2025 йилнинг январь-октябрь ойларида **11 тасида** ишлаб чиқариш **камайган**.

Жумладан, 2024 йилда **10 турдаги** маҳсулотларда, асосан, шакар **21 фоиз** (125 минг т), рух **11 фоиз** (8,5 минг т), арматура **10 фоиз** (97 минг т), мис **7,5 фоиз** (11 минг т), дизель ёқилғиси **5,6 фоиз** (57 минг т), полипропилен **5 фоиз** (4 минг т), бензин **4,5 фоиз** (60 минг т), полиэтилен **4 фоиз** (17 минг т), аммиакли селитра **3 фоиз** (49 минг т), техник олтингугурт **0,1 фоиз** (200 т),

2025 йилнинг январь-октябрь ойларида **11 та** маҳсулотда, асосан, шакар **47 фоиз** (199 минг т), арматура **26 фоиз** (100 минг т), техник олтингугурт **22 фоиз** (102 минг т), рух **14 фоиз** (8 минг т), бензин **11 фоиз** (121 минг т), полипропилен **11 фоиз** (7 минг т), пвх **8 фоиз** (3 минг т), полиэтилен **8 фоиз** (25 минг т), аммиакли селитра **2 фоиз** (24 минг т) суюлтирилган газ **1 фоиз** (7 минг т), дизель ёқилғиси **0,1 фоиз** (0,7 минг т).

Экспорт. **23 турдаги** маҳсулотлардан 2024 йилда **12 та**, 2025 йилнинг январь-октябрь ойларида **10 тасида** экспорт камайган. Шунингдек, сульфат кислотаси импорти **тўхтаган**.

Жумладан, 2024 йилда **12 та** маҳсулотда, асосан, сульфат кислотаси **100 фоиз** экспорт тўхтаган, шакар **2 бар.** (2 минг т), дизель ёқилғиси **1,9 бар.** (14,6 минг т), арматура **1,7 бар.** (18,8 минг т), суюлтирилган газ **1,5 бар.** (8,9 минг т), енгил автомобиль **40 фоиз** (130 дона), буғдой **36 фоиз** (10 минг т), ПВХ **30 фоиз** (1 минг т), рух **23 фоиз** (12,1 минг т), полиэтилен **8 фоиз** (20 т), тижорат техникалари **6 фоиз** (1 дона), мис **4 фоиз** (2,2 минг т).

2025 йилнинг январь-октябрь ойларида **10 та** маҳсулотда, асосан, шакар **99 фоиз** (5 т), суюлтирилган газ **96 фоиз** (6,7 минг т), арматура **82 фоиз** (7 минг т), полипропилен **57 фоиз** (3,5 минг т), ип калава **49 фоиз** (199 минг т), пвх **47 фоиз** (700 т), мис **15 фоиз** (7 минг т), енгил автомобиллар **9 фоиз** (16 дона), полиэтилен **3 фоиз** (5 т), рух **3 фоиз** (900 т)га камайган, Шунингдек, сульфат кислотаси экспорти тўлиқ **тўхтаган**.

Импорт. 2024 йилда 2023 йилга нисбатан **11 та**, 2025 йилнинг январь-октябрь ойларида ўтган ҳисобот даврига нисбатан **18 та** маҳсулотда импорт **ошган**.

Жумладан, 2024 йилда **11 та** маҳсулотда, асосан, суюлтирилган газ **5 бар.** (101 минг т), техник олтингугурт **3 бар.** (0,1 минг т), карбамид **1,8 бар.** (0,2 минг т), сульфат кислотаси **1,6 бар.** (40 т), шакар **1,5 бар.** (49,7 минг т), рух **1,4 бар.** (0,4 минг т), бензин **37 фоиз** (153 минг т), полиэтилен **19 фоиз** (10 минг т), ип калава **17 фоиз** (0,6 минг т), қурилиш ойнаси **8 фоиз** (628 минг м²), листли прокат **4 фоиз** (51,7 минг т).

2025 йилнинг январь-октябрь ойларида **18 та** маҳсулотда, асосан техник олтингугурт **44 бар.** (44 минг т), аммиакли селитра **7 бар.** (0,5 минг т), дизель ёқилғиси **4 бар.** (257 минг т), арматура **3 бар.** (431 минг т), тижорат техникалари **2 бар.** (419 дона), карбамид **2 бар.** (200 т), пвх **98 фоиз** (62 минг т), полипропилен **74 фоиз** (70 минг т), суюлтирилган газ **57 фоиз** (44 минг т), полиэтилен **56 фоиз** (29 минг т), ип калава **50 фоиз** (2 минг т), ўсимлик ёғи **35 фоиз** (84 минг т), листли прокат **32 фоиз** (409 минг т), сульфат кислотаси **25 фоиз** (2 т), буғдой **24 фоиз** (587 минг т), бензин **21 фоиз** (124 минг т), қурилиш ойнаси **13 фоиз** (851 минг м²), енгил автомобиллар **2 фоиз** (1,4 минг дона).

Тармоқ бозорлари ва ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги тадқиқотлари маркази

Электрон манзил

Веб саҳифа: www.lprc.uz

Эл. почта: lprcuzbekistan@imv.uz

t.me/Tadqiqotlarmarkazi

Манзил

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар,
Чилонзор кўчаси, 4-уй.

(+998) 71 230-70-12

(+998) 71 230-70-14

(+998) 71 230-70-16

